



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 29 » mart

№ 162

Toshkent sh.

2021 йилда минерал ўғитларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 28 февралдаги ПҚ-3574-сон қарорига мувофиқ минерал ўғитларни сотиш биржа савдоларида амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг ортишига, кимё саноати ташкилотларининг молиявий аҳволи яхшиланишига ва тармоқнинг инвестициявий жозибадорлиги ошишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон қарорига мувофиқ 2020 йилда умумий қиймати 1272,3 млн долларга тенг “Навоийазот” АЖ негизида азот кислотаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш”, “Навоийазот” АЖ негизида аммиак ва карбамид ишлаб чиқаришини куриш”, “Кўқон суперфосфат заводи” АЖда ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳамда маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш (I-босқич)” инвестиция лойиҳалари якунига етказилди. Натижада йилига 500,0 минг тонна азот кислотаси, 660,0 минг тонна аммиак, 577,0 минг тонна карбамид, 100 минг тонна суперфосфат ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар яратилди.

Республика қишлоқ хўжалигини, шунингдек, пахта ва ғалла етиштирувчи ташкилотлар ва бошқа истеъмолчиларни азотли, фосфорли, калийли ўғитлар билан етарли ҳажм ва агротехник муддатларда таъминлаш ҳамда минерал ўғитларни сотишнинг бозор механизмларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Қуидагилар:

2021 йилда минерал ўғитларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансининг йиғма ва мақсадли прогноз кўрсаткичлари 1-4-иловаларга мувофиқ;

республикада пахта хомашёси ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалиги ташкилотларини биржа савдолари орқали (шу жумладан, форвард шартномалари асосида) минерал ўғитлар билан таъминлаш схемаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш ҳамда нархлар кескин ўзгаришининг олдини олиш мақсадида:

а) “Ўзкимёсаноат” АЖ:

2021 йилда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмини соф ҳолда 274,0 минг тоннага (шундан: азотли ўғитлар ишлаб чиқаришни – 246,3 минг тоннага, фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришни – 21,8 минг тоннага ва калийли ўғитлар ишлаб чиқаришни – 6,0 минг тоннага) кўпайтирган ҳолда жами 1,45 млн тонна минерал ўғитлар (шундан: азотли ўғитлар – 1 105,4 минг тонна, фосфорли ўғитлар – 133,4 минг тонна, калийли ўғитлар – 216,0 минг тонна) ишлаб чиқаришни;

“Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси” АЖ билан биргаликда ишлаб чиқарувчининг технологик ва (ёки) худудий омборларидан биржа савдоларида сотилган (шу жумладан, форвард шартномалари асосида) минерал ўғитларни шартнома шартларига мувофиқ харидорларга ўз вақтида юклаб беришни таъминласин;

б) Молия вазирлиги 2021 йил 1 сентябрга қадар пахта ва ғаллани экиш ва парваришлар мавсумлари учун зарур минерал ўғитларнинг мавсумлараро даврларда (жумладан, куз-қиши даврида) кафолатланган захирасини яратиш учун талаб этиладиган минерал ўғитлар қийматининг 50 фоизи миқдорида бўнак тўловларини амалга ошириш учун етарли маблағларни Молия вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали минерал ўғит ишлаб чиқарувчи кимё ташкилотларига ажратиш чораларини кўрсин.

3. “Ўзкимёсаноат” АЖ, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда 2021 йилда минерал ўғитларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансининг ойма-ой прогноз кўрсаткичларини агротехник тадбирлар мавсумийлиги ҳусусиятидан келиб чиқиб, биржа савдоларига (шу жумладан, форвард шартномалари бўйича) зарур миқдорларда қўйилишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Белгилансинки:

минерал ўғитлар уларни ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ички бозорда биржа савдолари орқали (бозор тамойиллари асосида) барча тоифадаги истеъмолчиларга teng ҳукуқларда чегараланмаган лотларда сотилади;

минерал ўғитларнинг бошланғич нархи уларни ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан мустақил равища, ташкилотнинг самарали фаолиятини таъминловчи рентабеллик даражасини (камида 10,0 фоиз), шунингдек, жалб қилинган кредитларни қайтариш ва улар бўйича фоизларни тўлашни ҳисобга олган ҳолда белгиланади;

биржа савдоларида сотиб олинган минерал ўғитлар охирги истеъмолчиларнинг ўз эҳтиёжлари учун ишлатилади, шунингдек, белгиланган тартибда савдо фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар (тармоқ таркибидаги ташкилотлардан ташқари) томонидан фақат ички бозорда сотилади ҳамда уларни етарлича қайта ишланмаган (Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси бўйича дастлабки тўртта код белгисининг исталган бири даражасида товар позицияси ўзгариши содир бўлмаган) ҳолда экспортга ортиш тақиқланади;

биржа савдоларида ички истеъмолчилар томонидан харид қилинмасдан қолган минерал ўғитлар ҳажмлари ҳар ой якунига кўра экспортга йўналтирилади.

5. Кўйидагиларга:

“Ўзкимёсаноат” АЖ ва унинг таркибидаги минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи ташкилотлар раҳбарларига – ишлаб чиқаришнинг барқарорлигини таъминлаш, минерал ўғитларни биржа савдоларига ўз вақтида жойлаштириш ва биржа савдоларида сотилган (шу жумладан, форвард шартномалари асосида) минерал ўғитларни шартнома шартларига мувофиқ харидорларга ўз вақтида юклаб бериш;

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Худудгаztатъминот” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ раҳбарларига – минерал ўғит ишлаб чиқарувчи ташкилотларга технологик регламент талаблари асосида табиий газ ва электр энергияси узлуксиз ва барқарор етказиб берилиши учун шахсий масъулият юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Агрокимё станцияси” МЧЖ ҳудудий ташкилотлар билан биргаликда 2021 йил 1 октябрга қадар тупроқнинг озуқа моддалари билан таъминланганлик даражаси таҳлили асосида агрокимё картограммаларини тегишли ҳудудлар бўйича шакллантириб, республиканинг минерал ўғитларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжи тўғрисидаги таҳлилий маълумотларни Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги 2022 йилда минерал ўғитларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш баланси прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишида республика истеъмолчиларининг минерал ўғитларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжини агрокимё картограммаларининг таҳлилий маълумотларига асосланган ҳолда шакллантиурсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги “Ўзкимёсаноат” АЖ билан биргаликда 2021 йилда минерал ўғитларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансининг йифма ва мақсадли прогноз кўрсаткичлари ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатиб, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий маълумотларни киритиб борсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 28 февралдаги 149-сон қарорининг 3-банди, 7-бандининг бешинчи хатбошиси ҳамда мазкур қарорга 7- ва 11-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчкоров ҳамда “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раиси Ж.Т. Мирзамахмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил " 29' март даги 162 -сон қарорига
1-илова

**2021 йилда минерал ўғитларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансининг
ЙИҒМА ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

соф холда, минг тонна

Моддалар номи	Азотли*	Фосфорли*	Калийли
I. Жами ресурслар:	1 217,02	151,01	263,70
шу жумладан:			
1. Йил бошига қолдиқ	111,58	17,64	47,70
2. Ишлаб чиқариш	1 105,44	133,37	216,00
II. Жами сотиш:	1 119,96	141,46	240,00
1. Республика истеъмолчиларига, жами	851,06	126,95	60,00
шундан:			
1.1. Биржа савдолари орқали сотиш	851,06	126,95	60,00
2. Экспорт	268,90	14,51	180,00
III. Йил якунига қолдиқ	97,06	9,55	23,70

**Фосфорли ўғитлар таркибидаги азот/азот-фосфорли ўғитлар таркибидаги фосфор инобатга олинган.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил "29" март даги 162-сон қарорига
2-илова

**2021 йилда азотли ўғитлар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансининг
МАҚСАДЛИ ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

соф ҳолда, минг тонна

Моддалар номи	Жами*	шу жумладан:			
		аммиакли селитра	карбамид	азот-фосфорли ўғитлар	аммоний сульфати
I. Жами ресурслар:	1 217,02	655,95	479,22	5,79	42,47
шу жумладан:					
1. Йил бошига қолдик	111,58	97,05	7,98	0,19	2,57
2. Ишлаб чиқариш	1 105,44	558,90	471,24	5,60	39,90
II. Жами сотиш:	1 119,96	571,49	471,24	5,60	39,90
1. Республика истеъмолчиларига, жами	851,06	507,55	279,65	4,20	32,55
шундан:					
1.1. Биржа савдолари орқали сотиш	851,06	507,55	279,65	4,20	32,55
2. Экспорт	268,90	63,94	191,59	1,40	7,35
III. Йил якунига қолдик	97,06	84,46	7,98	0,19	2,57

*) Фосфорли ўғитлар таркибидаги азот инобатга олинган ҳолда.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил "29" март даги 162 -сон қарорига
З-илова

**2021 йилда фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансининг
МАҚСАДЛИ ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

соф ҳолда, минг тонна

Моддалар номи	Жами*	шу жумладан:		
		аммофос	суперфосфат	бошқа фосфор ўғитлари
I. Жами ресурслар:	151,01	111,67	24,28	14,44
шу жумладан:				
1. Йил бошига қолдиқ	17,64	14,57	1,51	1,54
2. Ишлаб чиқариш	133,37	97,10	22,77	12,90
II. Жами сотиш:	141,46	105,56	22,40	12,90
1. Республика истеъмолчиларига, жами	126,95	96,36	22,04	8,10
шундан:				
1.1. Биржа савдолари орқали сотиш	126,95	96,36	22,04	8,10
2. Экспорт	14,51	9,20	0,36	4,80
III. Йил якунига қолдиқ	9,55	6,11	1,88	1,54

*) Азот-фосфор ўғитлари маркибидаги фосфор инобатга олинган ҳолда.

Вазирлар Махкамасининг
2021 йил "29" март даги 162-сон қарорига
4-илова

**2021 йилда калийли ўғитлар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансининг
МАҚСАДЛИ ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

соф ҳолда, минг тонна

Моддалар номи	Калий хлориди
I. Жами ресурслар:	263,70
шу жумладан:	
1. Йил бошига қолдиқ	47,70
2. Ишлаб чиқариш	216,00
II. Жами сотиш:	240,00
1. Республика истеъмолчилариға, жами	60,00
шундан:	
1.1. Биржа савдолари орқали сотиш	60,00
2. Экспорт	180,00
III. Йил яқунига қолдиқ	23,70

Вазирлар Махкамасининг
2021 йил 29 март даги 162-сон қарорига
5-илова

Республикада пахта хомашёси ва фалла етиширувчи кишлок хўжалиги ташкилотларини биржа савдолари оркали
(шу жумладан, форвард шартномалари асосида) минерал ўғитлар билан таъминлаш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Чора-тадбирлар	Асословчи хужжат тури	Жараён даврийлиги	Жараён иштирокчилари	Муддат
1-боскич	Агротехник шартларни инобатта олган ҳолда худуднинг минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш	Агротехник карталарга асосан минерал ўғитлар билан таъминлаш режаси	Ҳар йили экин экиш агротехник мавсуми бошланишидан аввал	1.Туман ҳокимлиги 2. Туман кишлок хўжалиги бўлими 3. Кишлок хўжалиги ташкилотлари	Экин тури бўйича: пахта - 1 январга, фалла - 1 сентябрга кадар
2-боскич	Минерал ўғитларни етказиб бериш бўйича фермер хўжаликлари, кластер хўжаликлари ва "Агрокимёхимоя" ҲАЖ ўртасида шартнома тузиш	Шартнома	Ҳар йили 10 февралга қадар (пахта) 10 сентябрга қадар (фалла)	1."Агрокимёхимоя" ҲАЖ 2.Кластер хўжалиги 3.Фермер хўжалиги	5 иш куни давомида
3-боскич	Минерал ўғитларни белгиланган тартибида биржа савдоларига жойлаштириш ва сотиши	Сотувчининг лоти, харидорнинг буортмаси	Ҳафтанинг душанба-жума кунлари	1. "Ўзқимёсаноат" АЖ ташкилотлари брокери 2. Харидор брокери	20 даққицадан кунига 2 марта соат 11:00да ва 16:00 да
4-боскич	Минерал ўғит учун тўловни амалга ошириш	Тўлов топширикномаси	Биржа тикетини олгандан сўнг	1."Агрокимёхимоя" ҲАЖ 2.Кластер хўжалиги 3.Фермер хўжалиги	5 иш куни мобайнида
5-боскич	Минерал ўғитни етказиб бериш (лот ҳажми 60 тоннадан кўп бўлганида)	Харидорнинг ("Агрокимёхимоя" ҲАЖ, кластер хўжалиги, фермер хўжалиги) ишончномаси, темир йўл юк хати	Тўлов амалга оширилгандан сўнг	"Ўзқимёсаноат" АЖ таркибига кирувчи кимё ташкилотлари	10 иш куни (форвард шартномаси - 90 иш куни) мобайнида
6-боскич	Минерал ўғитни етказиб бериш (лот ҳажми 60 тоннадан кам бўлганида)	Харидорнинг ("Агрокимёхимоя" ҲАЖ, кластер хўжалиги, фермер хўжалиги) ишончномаси	Тўлов амалга оширилгандан сўнг	1. "Ўзқимёсаноат" АЖ таркибига кирувчи кимё ташкилотлари 2. Ваколатли омбор	10 иш куни (форвард шартномаси - 90 иш куни) мобайнида
7-боскич	Махсулотни фермер хўжаликлари ер майдонларигача етказиб бориш (кўшимча тўлов асосида)	Шартнома (хизмат кўрсатиш бўйича)	Шартнома (шартномаларига кўра)	1. "Агрокимёхимоя" ҲАЖ 2. Кластер хўжаликлари 3. Хусусий ташкилотлар	Белгиланган муддатда

